

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2025 йил апрель ойининг 8-куни жиноят ишлари бўйича Бойсун туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида видеоконференцалоқа режимида бўлиб, раислик қилувчи А.Рахматов, С.Хурсанованинг котибалигида, тарафлардан Бойсун туман прокурори М.Ҳайитов, судланувчининг адвокати Т.Қорабоев, судланувчи ҳамда жабрланувчи С.Чўтбоеваларнинг иштирокида, Р.Х га оид 1-1915-2501/15-сонли жиноят ишини кўрди.

Р.Х , 1995 йил 13 март куни Қизириқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Бандихон тумани “0000” маҳалласида яшайди, “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 30.01.2025 йил олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, мазкур жиноят иши бўйича қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра судланувчи Р.Х , 2025 йил 17 январь куни Бандихон тумани “Бандихон” маҳалласи ҳудудида жойлашган савдо дўконига кириб, савдо дўкони ичидаги заргарлик буюмларини томоша қилиб, савдо дўконига харидор сифатида кирган бошқа мижозлар билан Чўтбоева Сарвиноз Учқун қизи гаплашиб турганидан фойланиб, С.Чўтбоевага тегишли бозорда сотилиш нархи 850.000 сўм бўлган бир жуфт тилло зирагини устида бўлган ғилофи билан бирга ўғирлаб, воқеа жойидан яширинган.

Судда сўралган жабрланувчи С.Чўтбоева ўзининг кўрсатувида, Ҳ.Расуловага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, у билан ўзаро ярашганлигини, ярашувлари ихтиёрий бўлиб, бирон-бир тазйик бўлмаганлигини, унга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тушинганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Судда сўралган судланувчи Ҳ.Расулова, ўзининг кўрсатувида, айбига ўз ихтиёри билан иқрор эканлиги, жабрланувчи С.Чўтбоевага етказилган зарарни қоплаганлигини, ҳозирда у билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса ярашганлиги муносабати билан жиноий



жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, жабрланувчи ва судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши билан ўрганиб, тарафлар фикрини тинглаб, судланувчининг айбига ихтиёрий иқрорлигини ва етказилган зарарни қоплаганлигини, тарафларга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлигини инобатга олиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан ҳаракатдан тугатишни ва судланувчига нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Шу билан бирга суд, жабрланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлигини тушунтиришни, ашёвий далил деб эътироф этилган 1 жуфт тилло зирак ва унинг устидаги ғилофи жабрланувчига тилхат асосида қайтарилганлигини инобатга олишни, дискни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд ажрим қилади,-

А Ж Р И М

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Р.Х га оид жиноят иши тарафлар ярашганлиги муносабати билан ҳаракатдан тугатилсин.

Судланувчи Р.Х га нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 1 жуфт тилло зирак ва унинг устидаги ғилоф жабрланувчига тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин.

Бир дона диск жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим эълон қилинган кундан бошлаб ўн сутка, судланувчи ва жабрланувчи эса ажрим нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида жиноят ишлари бўйича Бойсун туман суди орқали Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига апелляция тартибида, апелляция тартибида шикоят бериш муддати ўтгач, кассация судлов ҳайъатига кассация тартибида хусусий шикоят, прокурор хусусий протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

А.Рахматов

